

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**442** Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия-соғлом-  
лаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низом-  
га ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1550-3*

*(2012 йил 1 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»-  
ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-  
си, 2000 й., 5-6-сон, 147-модда), Ўзбекистон Республикаси Президенти-  
нинг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон «Статистик, солиқ, молиявий ҳисо-  
ботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-  
таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони  
(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон,  
327-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил  
5 апрелдаги 96-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари  
тўплами, 2005 й., 14-сон, 104-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Рес-  
публикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомга му-  
вофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг  
2006 йил 10 февралдаги 84-сон буйруғи (рўйхат рақами 1550, 2006 йил  
6 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.,  
10-сон, 78-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жисмоний  
тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомга илова-  
га\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-  
лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга  
киради.

**Вазир**

**Т. КУЗИЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 22 август,  
848-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.